

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ХАРБИЙ ОФИЦЕРЛИК КАСБИГА ҲАВАС ТҮЙГУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ВАТАНПАРVARЛИК ХИСЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ МАЗМУНИ

Салимов Маъруф Эшдавлат ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, “Педагогика ва умумий психология” кафедрасининг мустақил тадқиқотчиси. Телефони: 94-627-62-22.

Аннотация:

Ушбу мақолада ўқувчи-ёшларни харбий офицерлик касбига ҳавас туйғуларини шакллантириш орқали ватанпарварлик ҳисларини тарбиялаш мазмунида бевосита бу туйғуларини ва эътиқотини ўйғотиш, бу борада юртимиз мактабларида ва ҳамда жамоат ташкилотлари билан олиб борилаётган ҳамкорлигини ташкил этиш амалий иш фаолияти ҳақида тўхталар экан, ҳақиқий ватанпарвар ўқувчи-ёшларни бу борада нималар билиши лозим бўлган тарбиявий фазилатларга ва изоҳ берилаган. Бу масала юзасидан мустақил баҳс-мунозаралар ўтказиш ҳам яхши самара бериши аниқ кўрсатилган. ўқувчилар бу муаммолар ҳақида ўқитувчи айтган гапларни такрорлаш билан чекланиб қолмасдан, балки ўзининг холис, адолатли, мустақил фикрлари бериш орқали, юртимизда садоқатли офицерлар борлиги билан фахрланиш ҳисларини шакллантирилганлиги ёритилган.

Калитли сўзлар: Ватан, ватанпарварлик, она юрт, ҳарбий офицер, юрт посбони, халқ ғами, манфаати, миллий қадриятлар, ор-номус, Ватанимиз кудрат, она юрт тинчлиги, жамоат ташкилотлари, жамоатчилик ҳамкорлиги, осойишталиқ, аҳиллик, бирдамлик, ўқувчи-ёшларнинг бурчи, хукуқий вазифалари.

Мақоланинг **кириш қисмида** бугунги мамлакатимиз келажагини белгилашда шижаотли, харбий офицерлик касбига ҳавас туйғуларини шакллантирган, қатъиятли, мақсадни аниқ қўйиб, шу асосда ҳаракат қилаётган ва ватанпарвар ёшларнинг ўрни катта. Келажак эгаларининг баркамол авлоди бўлиб вояга етиши учун, илму фан, замонавий техника ва технологияларни пухта эгаллашида, давр талаблари асосида таълим ва тарбия олиши учун етарлича шароитлар бугун юртимизда муҳайё этиляпти. Бугунги глобалашув шароитда



инсон онги ва қалбини забт этиш учун курашлар кескин тус олаётган бир даврда халқаро майдонда ёшларни ҳар қандай хавф ва таҳдидлардан асраш, уларнинг мустақил фикри, эътиқодини харбий офицерлик касбига ҳавас туйғуларини ва қатъий ҳаётий позициясини шакллантириш энг муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифалардан бир бўлмоқда. Дарҳақиқат, ватанпарварлик ёшларда фуқаролик бурчи, шахсий масъулият ҳисси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини, фаол ҳаётий позиция ва қатъий эътиқодини, касбий офицерлик маҳоратини шакллантирадиган қудратли воситадир. Бундан унумли фойдаланган ҳолда ёшларимизда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, Она-юрга тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўришимизни тақозо қилмоқда. Мақоланинг **назарий жиҳатларида** ўқувчи-ёшларни харбий офицерлик касбига ҳавас туйғуларини шакллантириш орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг қўйидаги босқичлари мавжуд:

биринчи босқич (3-7 ёшдаги болалар) она-Ватан ҳақидаги дастлабки тасаввурлар пайдо бўлиш босқичи, ушбу босқичда оила ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тегишли йўналишлар бўйича шеърлар, қўшиқлар ўргатиш, эртак ва ҳикоялар айтиб бериш, расмлар чиздириш, ҳарбий музейлар ва маданият ва истироҳат боғларига экслкурсиялар, спорт мусобақалари ташил этиш, давлат рамзлари (байрок, герб, мадхия) билан таништириш асосида уларда она юрга мухаббат туйғуларини шакллантиришни ўз ичига олади;

иккинчи босқичда (7-16 ёшдаги болалар) талабаларнинг Ватанга мухаббати ва садоқатини мустаҳкамлаш, фарзандлик бурчи ва масъулиягини ошириш, уларда Ватанга бўлган ишонч ва ижобий фикрларни янада кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ёшларнинг жисмонан баркамол ва соғлом, маънавий етук, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида шакллантириш каби эзгу ишларга даъват этилади;

учинчи босқич (16-18 ёшдаги ўсмирлар) ёшларда Ватан учун хизмат қилишга жисмонан тайёрликни таъминлашга йўналтирилади, чунки Ватанимиз учун жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, мамлакатимизда ҳавфсизлик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берib борилади;

тўртинчи босқич (18-30 ёшдагилар) ўқувчи-ёшларни ёки бўлажак талабаларнинг жисмоний етуклиги, ташкилотчилик кўникмалари ва интеллектуал салоҳияти, профессионал малакасини ошириш, эгаллаган офицерлик касбига садоқати ва фидойилиги билан Ватан равнақи ва юрт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш ва бунга эришишни назарда тутади.

Ўқувчи-ёшларни харбий офицерлик касбига ҳавас туйғуларини шакллантириш орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мактаб, олий таълим муассасаси ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини ташкил этиш йўналишлари қўйидагилардан иборат:

1. Ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик тарбиялаш бўйича меъёрий-хуқуқий базани кенгайтириш ва ҳамкорликда маҳсус услубий қўлланмалар нашр этиш;
2. Таълим муассасида фуқаролик ва ватанпарварлик таълимининг ягона механизмини яратиш;
3. Таълим муассасаси ва жамоат ташкилотларида маънавий-маърифий фаолиятни ахлоқий-маданий анъаналар ва қадриятларни асосида мустаҳкамлаш;
4. Республиkanинг замонавий ютуқларини, қаҳрамонлар ва мамлакатнинг яқин тарихидаги муҳим воқеаларни тарғиб қилишга бағишиланган интерфаол таълим дастурларини ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаси ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини ижобий идрок этиш имиджини шакллантириш;
5. Ватанпарварлик тарбиясини фаоллаштириш (ватанпарварлик фаолияти, турли йўналишдаги тадбирлар, спорт байрамлари, Ватан тарихининг унутилмас саналари билан боғлиқ байрамлар ва бошқа шакллар); Мамлакатимиз тараққиётининг асосий пойдевори инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, мамлакат аҳолисининг катта қисми замонавий билим ва кўникмаларга эга ёшлардан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур йўналиш жамият тараққиётининг барча соҳаларидағи манфаатларини ҳимоя қилиш ва кузатилаётган долзарб масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ечимини топиш муҳим вазифадир.

Мақоланинг **амалий жиҳатларига** эътибор берар эканмиз, мамлакатимиз мустақиллик туфайли жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ механизмларни

амалга ошириди. Уларни давом эттириш эса биз келажагимиз бўлган ўқувчи-ёшларнинг қўлида. Шу сабабдан ҳам мавжуд имкониятларимиздан тўлик фойдаланиб, ўқувчи-ёшларга бўлган эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор. Ўқувчи-ёшларни офицерлик касбиға ҳавас туйғуларини шакллантириш орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги кунда ҳар биримизнинг асосий ишимиз бўлиб, унга бурч ва маъсулият нуқтаи назаридан ёндошиш маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантириш гаровидир. Дарс машғулотлари давомида интерфаол усуллардан фойдаланилади, ўқувчи-ёшлар дарсга пухта тайёргарлик кўришади. Мотивация Креатив-ижодий жараёнга қизиқиш; рафбат, мақтов, мукофот ва бошқалар. Юкланган ва тугалланган вазифаларнинг жамият учун юксак аҳамиятини шакллантириш; жамиятга, халққа, давлатга мансублигидан ғурурланиш. Шахснинг барча томонларини ривожлантиришга ёрдам берадиган талаблар, тавсияларни ишлаб чиқиши, шахснинг ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш ва ривожлантириш; Тарбияловчи ижодий топшириқ, ижодий ўйин, мусобақа, анъаналар, шахсий намуна, жамоавий ижодий фаолият, лойиҳалар усули асосида шахснинг ҳар тарафлама ривожланиши рўй беради, ҳаётий тажрибанинг такомиллаши, ўқувчи-ёшларнинг дунёқараши, ватанпарварлик тафаккури шаклланади. Юқоридаги таъриф ватанпарварлик тушунчасининг мазмунини тушуниш имконини беради. Бунга қуйидагилар киради: - инсон туғилиб ўсган жойларга боғлиқлик ҳисси; - халқингизнинг тилига ҳурмат; - она-Ватан манбаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиши;

- Ватаннинг тарихига, халқига, урф-одат ва анъаналарига ҳурмат;

- Ватанпарварлик ғояси, ватаннинг тақдири, Ватаннинг қудрати ва фаровонлигини мустаҳкамлаш; - умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик, хайр-саховат. Мактабларда ва Олий таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларни, талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоатчилик ҳамкорлиги жараёнида қуйидаги вазифалар бажарилади: - Мактабларда ўқувчи-ёшларда офицерлик касбиға ҳавас ҳислари орқали ватанпарварлик ғоясини ривожлантиришга қаратилган педагогик вазиятларни яратиш, ушбу йўналиш бўйича ижобий тадбирлар шакллари ва усулларини ишлаб чиқиши; - турли педагогик вазиятларда ўқувчи-ёшларнинг фуқаролик ва миллий ўз-ўзини англашини шакллантириш ва ривожлантириш. - педагогик вазиятларда, ҳаёт ва фаолиятнинг турли соҳаларида ҳамда муносабатларнинг бутун спектрида

амалга ошириладиган ватанпарварлик йўналиши бўйича тадбирларни шакллантириш ва ривожлантириш; - ўқув жараёнида билимлар тизимини ўзлаштириш орқали офицерлик касби орқали ватанпарварлик дунёқарашини шакллантириш, ўқувчи-ёшларнинг билим олиш фаолиятини ривожлантириш; ватанпарварлик тадбирларида Ватанни ҳимоя қилиш қобилиятини ва тайёргарлигини шакллантириш ва ривожлантириш.

Ўқувчи-ёшларда офицерлик касбига ҳавас ҳислари орқали Ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш қўйидаги принципларга таянади: - Ватанни севиш (Ватан идеали, Ватан манфаати учун яшаш қобилияти ва истаги); - Инсонпарварлик принципи (инсоннинг инсон сифатида қадркимматини, ҳуқуқларини, максимал хурматини тан олиш); - Ҳамкорлик принципи (ҳамкорлик асосида жамоа билан ишлаш, ижодий вазифаларни бажариш, жамоада ҳамкорликда ишлаш кўнималарини ривожлантириш); - Соғлом турмуш тарзи (баркамол авлодни тарбиялаш жараёни); - Маънавият (маънавий юксаклик); - Толерантлик; - Олий таълим ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги таълим. Ўқувчи-ёшларда мактаб таълим ва жамоат ташкилотлари томонидан ўқувчи-ёшларни тарбиялаш тизимининг мукаммал шакллантирилиши ёшларга оид давлат сиёсатини самарали ташкил этишнинг маълум усул ва воситасидир, яъни ёшларни ватанпарварлик ғоялари асосида тарбиялаш жараёнида уларнинг маънавий-маърифий билим салоҳияти ҳамда китобхонлик маданиятини, шунингдек, ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга қаратилган “Мен севиб ўқиган китоб”, “Энг яхши китобхон” ва “Ёш ҳуқуқшунос” каби республика танловларининг тизимли ташкил этилаётгани; тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилаётгани, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-куватлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида тикув машиналарининг совға қилиниши, “Ёшлар – келажагимиз”, “Ҳар бир оила – тадбиркор” Давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги бежизга эмас. Бугунги кунда республикамизда барча таълим муассасалари ҳамда вазирликлар, идоралар, бошқарув органларида Ёшлар иттифоқининг 23 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган. Ҳозирги кунгача Ёшлар иттифоқи 11 млн.га яқин ёшларни ўз атрофида бирлаштирган. Ёшлар ташабbusи билан Ёшлар иттифоқи қошида 26 та нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан; Ёшлар сиёсатини амалга оширишда маҳалла институтининг ўрни улкан бўлиб,

маҳалла тузилмаси узок тарихдан халқимизнинг урф-одатлари эъзозланадиган, ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш, уларнинг онгидаги офицерлик касбига ҳавас ҳислари орқали ватанпарварлик, инсонпарварлик каби улуғвор фазилатларни камол топтиришда асосий рол ўйнайдиган демократик маскан сифатида эътироф этилади. Амалга оширилган демократик ислоҳотлар натижасида бугунги кунга келиб маҳалла институтининг вазифа ва ваколатлари сони ортиб бормоқда ҳамда улар орасида ёш авлодни тарбиялаш масаласи асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳозирги кундаги энг муҳим ҳисобланган “оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлигини алоҳида қайд этиш лозим. Доно халқимиз томонидан “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган мақол бежизга айтилмаган. Айнан “оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги натижасида ёшлар тарбияси, таълим олиш сифати ошиб, янги имконият йўллари кенгаяди. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг таълим муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ўқувчи-ёшлар масаласига эътиори қаратиши XXI асрда ёшлар тарбияси масаласи ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди ”¹ деб таъкидлагани бежиз эмас. Мукаммал тарбиянинг асосий жиҳатларидан бири бу маънавий дахлдорлик ҳиссини ёшларимизда уйғотиш ҳамда уларни оиласи, маҳалласи, миллати, Ватани тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Бу ҳақда Абдурауф Фитрат “Оила” асарида шундай ёзади: Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир. Қаерда оила муносабатида кучли интизомга таянилса, мамлакат ҳам кучли интизомли ва тартибли бўлади”². Буни бугун мамлакатимиздаги оилаларни фаровонлигини таъминлашга қаратилган эътибор мисолида яққол қўришимиз мумкин. Оила ҳар бири ўзига хос турли-туман феъл атворли одамларнинг кичик жамоасидир. Томчилар йиғилиб кўл ҳосил қилганидек, оилалар жамул-жам бўлиб,

¹ Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури тўғрисида 2018 йил 27 июнданги Фармони. // Халқ сўзи 2018 йил 28 июнь 122

² Абдурауф Фитрат “Оила” асари.-Т.:Ўқитувчи.1996 й.

жамиятни ҳосил қиласи. Айнан шу масканда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар шаклланади, авлоддан-авлодга етказилади. Шу сифатлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан бола хулқи, хатти-харакати мазмунига сингиб боради. Инсоният яралибди, доимо уюшиб яшаб келган. Чунки бир жойда уюшиб яшаш турли хил хавфдан ҳимояланишни осонлаштирган. Шу сабабли овуллар, қишлоқлар ва шаҳарлар пайдо бўлган. Айниқса, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва меҳнатни ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилиши ҳалқнинг бир жойда тўпланиб яшаш истиқболини янада ривожлантириди. Бу ҳол мамлакатимиз ҳалқлари тарихига ҳам хос бўлиб, ҳалқимизнинг турмуш тарзи ва тафаккурида ўчмас из қолдиргандир. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан маҳаллалар юзага келган. Узоқ тарихда турли хил касб эгалари алоҳида-алоҳида бўлиб бирлашганлар. Маҳаллалар ҳам даврга қараб ўзгариб борди, уларнинг бошқарув шакли ҳам йилдан-йилга такомиллашиб, ҳозирги кўринишга эга бўлди. Шу сабабли маҳалланинг турмуш тарзи унда яшаётганлар тафаккурида ўзига хос из қолдиради. Маҳаллада норасмий ижтимоий алоқалар тизими таркиб топгандир. Бу ерда жамоа ва оқсоқоллар фикрига бўйсуниш тамойили устивордир. Бу нарса шарқона руҳиятга мосдир. Шу сабабли ҳалқимиз орасида «Маҳалланг — отаонанг», «Бир болага етти маҳалла ота-она» иборалари пайдо бўлган. Кишиларнинг энг хурсандчилик ва оғир кунларида ҳам маҳалла инсонларнинг кунига ярайди, ёрдам кўрсатади, кўнглини кўтаради. Юқорида келтирилган ибораларнинг мазмун-моҳияти нақадар чукур бўлиб, тарих синовларидан ўтган. Шунинг учун ҳалқимиз орасида ҳамон янги мазмун билан яшаб келмоқда.

Оила ёшларни маънавий ва жисмоний шакллантиришнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Айнан оилада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик каби олий даражадаги аҳлоқий-маънавий сифатлар шаклланади, авлоддан-авлодга етказилади. Албатта, бу ўринда оилада асосий тарбиячи ҳисобланадиган аёлларнинг маънавий юксаклиги, дунёқараши, саводхонлиги муҳим роль ўйнайди. Оила жамиятнинг бир бўлаги ҳисобланади, шу сабабли оилада тарбия пойдеворини мустаҳкам қўйишга алоҳида эътибор бериш керак.



Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқувчи-ёшларни харбий офицерлик касбига ҳавас туйғуларини шакллантириш орқали ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устувор вазифалардан биридир. Ҳарбий офицерлик касбига ҳавас туйғуларини шакллантириш орқали Ватанпарварлик ғоясини тарбиялаш қўйидаги йўналишлар орқали амалга оширилади: аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар; - маънавий ва маърифий йўналишдаги тадбирлар; - ҳарбий офицерлик касби, -ватанпарварлик мавзуларга бағишлиган давра сухбатлари ва тадбирлар ўтказиш; - турли мавзулар, буюк саналарга бағишлиб тадбирлар ўтказиш.

Ўқувчи-ёшларни харбий офицерлик касбига ҳавас туйғуларини шакллантириш орқали ватанпарварлик ғояларини тарбиялаш сифати, самарадорлиги қўйидаги омилларга боғлик;

- шахсий психологияк, ижтимоий-психологияк (психологияк муҳит, уларнинг ўқув фаолиятида юқори натижаларга эришишга қаратилганлиги);
- моддий-техника (зарур моддий ва турмуш шароитлари, ўқув-моддий базаси, ўқув-услубий адабиётлар фондини яратиш);
- педагогик ватанпарварлик дастурларини амалга ўқитувчиларининг педагогик маданияти даражаси). Ўқувчи-ёшларни харбий офицерлик касбига ҳавас туйғуларини шакллантириш орқали Ватанпарварлик тарбияси соҳасидаги ижтимоий шериклик муваффақиятининг асосий омили мактаб таълим муассасаси ва оиланинг ўзаро ҳамкорлигидир. Мактаб, Олий таълим ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги ўқувчи-ёшларга узоқ муддатли тарбиявий таъсир кўрсатади, ўқувчи-ёшлар ва ўқитувчилар ўртасидаги жамият билан янги муносабатлар, уларни жамиятга муваффақиятли мослаштириш жараённида пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни. "Халқ сўзи" 2020 йил 24-сентябрь
- 2.Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.:Ўзбекистон, 2021. -278 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури тўғрисида 2018 йил 27 июндаги Фармони. // Халқ сўзи 2018 йил 28 июнь .



**Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities
Hosted online from Plano, Texas, USA.**

Date: 1st October, 2023

ISSN: 2835-3196

Website: econferenceseries.com

4. Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга этишда таянчимиз ва сунчимиздир / «Халқ сўзи» 2017 йил 1 июль
5. Каримов И.А.Юксак маънавият–енгилмас куч. –Т., Маънавият, 2008, -176 б
8. Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.– Т.:Ўқитувчи, 1992.-160 б.
9. Аминов Б., Расулов Т.Ватан-юракдаги жавоҳир. - Т.:Ўқитувчи, 2001.– 232 б.
10. Амир Темур ўйтлари. – Т.: “Наврӯз”, 1992. - 45 б
- 11.Атаджанова Ш.А Оиласда ўспирин ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари. Пед фан.номз. дисс. автореф. – Т., 2001. – 19 б.
12. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 397 б.
13. Сафоев X. Талабаларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – долзарб педагогик муаммо сифатида // Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2021 й. 3-сон. 276 - бет.
14. Худойқулов X.Ж., Холов О.Ч. Тарбиявий ишлар методикаси. - 132 Термиз., 2020. - 225 б.
- 15.Худойқулов X.Ж.,Бобоқурова Д.М. Педагогика. Дарслик.-Т.:Инновация-Зиё. 2021 й.
- 16.Қалқонов Э.Т Ватанпарварлик шаклланиши ва амал қилишининг боғлиқлик қонуниятлари (ижтимоий фалсафий таҳлил) Фалсафа фанлари номзоди ил. дараж. олиш учун ёзилган дисс. - Т., 2011.
17. Курбанов Р.Ю. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий ғоянинг ўрни. Фалсафа ф.н.олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2008.